



# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN

2009-yil 6-iyun, shanba

№23(3813)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

**Халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш чоғида фидойилик ва мардлик намунасини кўрсатган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гурӯҳини мукафотлаш тўғрисида**

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган фидойилиги, мардлиги ҳамда шахсий таркиб ўртасида жанговар, сиёсий тайёргарликни оширишда эришган ютуқлари учун куйидагилар мукофотлансин:

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Нурбаев Ўткирбек Юлдашалиевич** – Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи профилактика инспектори

**Холмирзаев Бахтиёр Авазбекович (марҳум)** – Андижон вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Алоҳида йўл-патруль хизмати отряди катта инспектори

**«Жасорат» медали билан**

**Маматқулов Исмоилжон Қобулович** – Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Таъминлаш бўлинмалари старшинаси

**Юлдашев Абдукарим Эргашевич** – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро Қўриқлаш бўлинмаси милиционер

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 1 июнь

## МЕҲР КЎРСАТИБ

### «ЖАР»ДА ШОДИЁНА



1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни юртимизда кенг нишонланди. Гузарлар, сайилгоҳлар, истироҳат боғлари болажонлар билан тўлиб-тошди. Республика ИИБ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ҳам тантана бўлиб ўтди. Мазкур шодиёна ҳақидаги мақолани газетаимизнинг 5-саҳифасида батафсил ўқишингиз мумкин.

## УШБУ СОҲБА:

БИЗНИНГ СУҲБАТ

**ИҚТИСОДИМИЗ  
РИВОЖИНИ  
КЎЗЛАБ 4**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

**ИНСОН  
ҲУҚУҚЛАРИ  
ҲИМОЯСИ –  
БОШ  
ВАЗИФА 11**

## «КИЧИК ОЛИМПИАДА» ҒОЛИБЛАРИ



Саид АҲМАД,  
Ўзбекистон Қаҳрамони.

## ҚОШЛОҚ



16

## СЕРГАКЛИК – АСОСИЙ ОМИЛ



Транспорт ички ишлар бошқармаси тизимидаги йўловчи поездларни кузатиш отрядининг асосий вазифаси йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, вагонларда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишдан иборат. Чунинчиси, йилнинг ўтган даври мобайнида турли ҳуқуқбузарликлар ва наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар қайд қилинди. Қидирувдаги етти нафар шахс аниқланди.

Отряд командири, подполковник Аҳмаджон Толиповнинг сўзларига қараганда, ходимлар жорий йилнинг бошидан ҳозиргача 2113 та йўловчи поезд, 116 та транзит поезд, 2057 та электропоезд йўловчилари ўз манзилларига соғомон етиб олишлари учун саъй-ҳаракат кўрсатишган. Отряд аъзолари, «Тошкент – Урганч» поезди хавфсизлигига масъул, сержант Дониёр Кабилов ва сафдор Шерзод Жуманиёзов, «Шарқ» тезюрар поездида хизмат олиб бораётган сержант Элмурод Бозоров, «Тошкент – Ангрен» электропоездида фаолият кўрсатаётган сержант Равшан Шахиев ва бошқалардан йўловчилар мамнун эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Сергаклик асосий омил бўлаётгани учун ходимлар муносиб ютуқларни қўлга киритишарди.

**Абу КЕНЖАЕВ.**

Суратда: «Регистон» тезюрар поезди вагон кузатувчиси **Зулхумор Давлатова** ва отряд аъзоси, катта сержант **Наби Шокиров** йўловчининг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

Муаллиф олган сурат.

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 июндаги фармойишига биноан, 2009 йил 26 май куни Андижон вилоятининг Андижон ва Хонобод шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан кўзғатилган жиноий ишнинг очиқ суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров раҳбарлигида комиссия тузилди.

Комиссия зиммасига мазкур террорчилик ҳаракатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига тўла мос равишда кўзғатилган жиноий иш материалларининг судда очиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш тартиб-тартиб тайёрлаш ва ўтказиш бўйича зарур ёрдам кўрсатиш, суд жараёнининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси Матбуот хизмати.

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари – «ПОСТДА», «НА ПОСТУ»

газеталари ҳамда

«QALQON», «ЎИТ»

журналларига 2009 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Нашрларимизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, криминал воқеалар, суд очерклари мунтазам ёритиб борилади. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг!

Индексларимиз:

«ПОСТДА» 180 (366) «НА ПОСТУ» 169 (367)  
«QALQON» 970 (1083) «ЎИТ» 971 (1084)



«ОБУНА – 2009»

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАҒТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 июнь кунини Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик бўйича ҳамкорликни, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, гуманитар ва бошқа соҳалардаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июнь кунини Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафни қабул қилди. Оқсаройдаги учрашувда Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассаф самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Саудия Арабистони молия муассасалари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга катта қизиқиш билан қарашини таъкидлади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида халқаро муносабатлар тизимида парламентларо алоқалар масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассаф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида музокара ўтказди. Музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

● Пойтахтимизда шошилинч тиббий ёрдам тизими шифокорларининг биринчи анжумани бошланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Франция, Туркия, Россия, Украина, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон каби йигирмага яқин давлатдан мутахассислар иштирок этмоқда.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози - 2009» республика иқтидорли ёшлар танловининг Тошкент шаҳар босқичи бошланди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, подполковник Санжар Раҳманович АВАЗОВ.

Санжар Раҳманович Авазов 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университети тамомлаган. 1993–2009 йилларда Қарши шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат қилган.



Тошкент вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Райбулла Зиёевич КУЛИЕВ.

Ғайбулла Зиёевич Кулиев 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими взвод командири лавозимидан бошлаган. 1996–2004 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ташкилий-инспекторлик бошқармаси инспекцияси инспектори, катта инспектори, Миробод тумани ИИБ штаб бошлиғи, 2004–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, Яққасарой тумани ИИБ ТИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Тоҳир Тўлқинович АРИПОВ.

Тоҳир Тўлқинович Арипов 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Ёнгиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларидаги хизматни 1996 йилда Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1997–2009 йилларда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ИИБ ЁХБ инспектори, катта муҳандиси, отряд командири, Қибрай тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Бокибилло Холматжонович НАЖИМОВ.

Бокибилло Холматжонович Нажимов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Андижон вилояти Андижон тумани ИИБ профилактика бўлими вояга етмаганлар иши бўйича инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Андижон тумани ИИБ суриштирув гуруҳининг суриштирувчиси, тергов бўлими терговчиси, катта терговчиси, Олтинқул, Андижон, Шаҳрихон, Қўрғонтепа туманлари ИИБ тергов бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



## ХУШҲАБАР

МАРКАЗ  
ЗАМОНАВИЙ  
БИНОДА

Вилоят ИИБ ҳузуридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази замонавий бинода фаолият юрита бошлади. Илгари кўримсиз ҳолатда бўлган ушбу бино бошқарма ташаббуси билан маҳаллий бюджет ҳисобидан қайта тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳашар йўли билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида ички ишлар ходимлари фаол иштирок этишди.

– Масканимиз 25 нафар болага мўлжалланган, – дейди марказ бошлиғи, майор Зумрад Қурбонова. – Бу ерда вояга етмаганлар яшаши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Маърифат, компьютер, дам олиш ва синф хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Мазали таомлар тайёрланадиган ошхона мавжуд.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни арафасида марказнинг очилишига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда вилоят ИИБ бошлиғи, полковник М. Адиллов жамоани замонавий бино билан муборакбод этди. Шундан сўнг байрам муносабати билан болажонлар учун тўкин дастурхон ёзилди ва концерт дастури намойиш этилди.

Рўзигул Йўлдошева.

Бухоро вилояти.

## МИННАТДОРЛИК

ШИРИКАЛОМ  
ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ!

Мен республика ИИБ Марказий госпиталининг асаб касалликлари бўлимида даволаниб чиқдим. Мазкур бўлим бошлиғи, подполковник Ш. Яқубжанов, шифокор Ш. Гафуров ҳамда ҳамшира М. Мадаминава соғлигимни тиклаб олишимга саъй-ҳаракат кўрсатишди. Уларнинг шифоталаб инсонларга қилган ширин муомаласидан беҳад мамнун бўлдим. Қўли енгил, ширинкалом шифокорларга миннатдорлигимни билдириб, келгуси ишларига омад тилайман.

Рисолат КАРИМОВА.

## ҒАМХЎРЛИК

ГУЛИСТОНДА БОЛАЛАР  
ШАҲАРЧАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорига биноан Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 27-Меҳрибонлик уйи негизда Болалар шаҳарчаси ташкил этилди.

Низомга кўра, ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларнинг яшаш ва тарбиялашга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ижтимоий мослашиш ва жамиятга интеграциялаш учун уларни маънавий-ахлоқий, меҳнат тарбияси ҳамда таълим олишини ҳар томонлама таъминлаш муассасанинг асосий мақсади сифатида белгиланди.

Шаҳарчада 100 нафар бола кичик гуруҳлар шаклида оилага

яқинлаштирилган шароитларда тарбияланаяпти. Шу мақсадда 10 та уй-коттеж ташкил этилган.

4,2 гектардан иборат болалар шаҳарчасида 950 туп кўчатлар экилди. Тарбияланувчиларни меҳнатга ўргатиш, уларни мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, 0,95 гектар майдонда «Меҳржон боғи» ташкил этилди ва 270 туп мевали дарахтлар ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан тарбияланувчиларнинг яшаш ва ўқиш шароитини янада яхшилаш, уларни соғломлаштириш, моддий қўллаб-қувватлаш, истеъдодини ривожланти-

риш ва рағбатлантириш мақсадида «Гулистон меҳри» жамоат фонди ташкил этилди.

Шаҳарчанинг очилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – «ISUZU» автобуси берилди.

Ўқув хоналари Халқ таълими вазирлиги томонидан энг замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланди. Болаларни спорт, бадий ижод ва санъатга йўналтириш, истеъдодларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли хил тўғараклар раҳбарлари жалб этилди.

Н. Йўлдошев,  
катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

## САРМИШСОЙГА САЁҲАТ

Навий шаҳрида жойлашган Меҳрибонлик уйида айни вақтда 100 нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда. Вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан вилоятнинг энг хушманзара ва бетакрор масканларидан бири – Сармишсойга саёҳат уюштирилиб, бу ерда болаларнинг марокли дам олишлари ташкиллаштирилди.

– Она табиат бетакрор мўъжизалари билан ҳамиша қалбимизда ҳайрат уйғотади, – дейди Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари М. Икромов. – Сармишсойнинг қадимий ёдгорликлари, ҳарсангтошлар бағридаги бетакрор сувратлар нафақат болалар, биз катталарда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Тарбияланувчиларимиз дилида табиатга меҳр, тарихимизга эҳтиром туйғуларини мустаҳкамлашда бу каби тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Болажонлар шу кунини хушманзара табиат бағрида уйнаб яйрадилар. Баҳаво, сўлим гуша уларга тетиклик, завқ-шавқ, бир олам қувонч улашди. Соя-сал-



қин боғ-роғлар бағрида она-Ватан, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва садоқатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Саёҳат давомида ички ишлар ходимлари болаларга ҳамроҳлик қилишди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга табиатни асраш, бой маданий меросимиз, қадимий обидаларимиз ҳақида ҳам суҳбатлашдилар.

– Бу ерда ҳам дам олдик, ҳам қадимий ёдгорликларни томоша қилдик, – дейди тарбияланувчи-

лар Гулчирай Жумакулова ҳамда Муроджон Худоёров. – Жаннатмакон юртимизнинг ҳар қаричи биз учун азиз ва муқаддасдир. Бизга ҳомийлик қилган ҳуқуқтартибот идоралари ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Сайру саёҳат болаларда унутилмас таассурот қолдирди. Уларнинг юз-қўзларида порлаб турган қувонч ва ҳаяжон ифодаси шундан далолатдир.

Нигора РАҲИМОВА.

Навий вилояти.



«ФАЛЛА-2009»

# Кўп нарса уюшқоқликка боғлиқ

Республикамиз ҳудудда етиштирилган бошоқли экинларни нобудгарчиликсиз ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш, дон маҳсулотларининг ўғирланиши, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик, темир йўл транспорти иншоотларида намунали жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Транспорт ички ишлар бошқармаси Тошкент темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ томонидан бир қанча тadbирлар режалаштирилган. Хусусан, йиғиб олинган дон маҳсулотларини ташишда йўловчи ва юк поездларни назоратдан ўтказиш пунктларида текширувларни кучайтирилган тарзда амалга ошириш, ҳосил ноқонуний равишда республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетилишининг олдини олишда божхона назорати масканлари ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Фалла ортилган вагонларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, барча темир йўл бекатларидаги сув таъминоти иншоотлари ҳамда ўт ўчириш воситалари соз ҳолатда бўлиши кўзда тутилган.

— Мавсум давомида шахсий таркиб орасида хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этилишини мустақамлашга қаратилган профилактик-огоҳлантирув тadbирлари фаоллаштирилди, — деди Тошкент темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ бошлиғи ўринбосари, «Фалла-2009» штаби бошлиғи, подполковник Баҳром Ғаниев. — Фалла ўрим-йиғимида жалб қилинган ходимлар зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилиши учун барча чоралар кўрилди. Халқимиз бойлиги ҳисобланган дон маҳсулотлари бекаму кўст ўз манзилига етиб боришига эришиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳозирда Транспорт ИИБ тармоқларида фаолият кўрсатётган профилактика инспекторлари ҳудудий ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда профилактик ишларни янада кучайтиришган. Асосий эътибор ризқирўзимиз бўлмиш донни нест-нобуд қилмай, уюшқоқлик билан йиғиштириб олишга қаратилаёпти. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

**Э. ҚҶЗИЕВ,**  
катта сержант.



Сурхондарё вилоятида фалла хирмонини бунёд этиш, ўрим-йиғим даврида хавфсизликни таъминлаш, нобудгарчилик, талон-тарожликлар ҳамда ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Энг аввало, ўрим-йиғимда иштирок этувчи техникаларнинг созлиги қатъий назоратга олинди.

Вилоятда 3780 та бошоқли дон етказиб берувчи фермер хўжаликлари бор. 102 минг гектардан зиёд майдонда фалла пишиб етилди. Шартномага асосан 272 минг 600 тоннадан кўпроқ дон давлат қабул пунктларига етказиб берилди. Ўрим-йиғим билан боғлиқ профилактик тadbирлар амалга оширилди, туманлараро тактик ўқув машқлари ўтказилди.

# МАВСУМ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Унда фавкулудда вазиятлар юзага келса, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва бошқа вазифалар белгилаб олинди.

Фалла ўримида 206 та комбайн, 677 та автотранспорт воситаси, 100 та трактор тиркамалари жалб этилган. Масъулиятли вазифаларни бажаришда ички ишлар ходимлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги, профилактика, қўриқлаш ва бошқа хизматларнинг вакиллари халқимиз ризқирўзи, дастурхонимиз кўрки бўлган галланинг тез ва сифатли йиғиб олинишига муносиб улуш қўшишяпти. Бир сўз билан айтганда, мавсум тақдири ишончли қўлларда.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Постда» мухбири.  
Сурхондарё вилояти.

## БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

**Жорий йилнинг ўтган даврида Избоскан туманида 37 нафар вояга етмаган профилактик ҳисобга олинди. Уларнинг аксариятини турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ўсмирлар ташкил этади.**

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ЎСМИРЛАР

Туман ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи ходимлари йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш мақсадида алоҳида режа ишлаб чиқишди. Унга кўра, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, халқ таълими, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари ҳамкорлиги янада кучайтирилди.

— Ҳудудимизда 50 дан ортук умумтаълим мактаби ва 5 та касб-ҳунар коллежи мавжуд, — дейди туман ИИБ ВЕОҲООГ катта инспектори, капитан Бобурмирзо Аҳмадалиев. — Мазкур илм даргоҳларида ҳар ойда юқоридаги ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари иштирокида учрашувлар ташкил этилаёпти. Бундан кўзланган мақсад болаларни тўғри йўлга солиш, улар тарбиясига бефарқ бўлмасликдир.

Ҳозир туманда 70317 нафар вояга етмаган бор. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қўшимча спорт тўғарақлари очиш, турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этиш диққат марказида. Бу борада ВЕОҲООГ инспекторлари, катта лейтенант Ҳотамжон Режаббоев, лейтенантлар Ихтиёр Солиев, Ойбек Набиев, Камолитдин Раззоқов, Илҳом Тожибоевлар фаоллик кўрсатишяпти.

**Азизхон БУЗРУКОВ.**

Анджон вилояти.

# НЕГА КЎЗЛАРИНГ МАЪЮС?

**Кексалар дуога қўл очсалар, аввало, юртга тинчлик-омонлик, фарзандлар камолини кўриш насиб этсин, дея ният қиладилар. Дарҳақиқат, фарзанд бахт-иқболини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Ўзбек халқини бежиз болажон дейишмайди. У фарзанди учун ҳар қанча қийинчиликларни бошидан ўтказишга тайёр туради. Бироқ Аллоҳ берган неъматнинг қадрига етмай, болаларини хору-зор қилиб қўйган ота-оналар ҳам йўқ эмас.**

Оиладаги нотинч ҳаёт кўп ҳолларда боланинг «кўча боласи»га айланишига сабаб бўлади. Кўчадан паноҳ топган ўсмир эса турли йўллар билан ўз кунини ўзи кўришга ҳаракат қилади. У жиноятга қўл уриб, бир умрга ҳаётини барбод қилишгача боради.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларга гамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шу ўринда кўплаб Меҳрибонлик уйлари, болалар муассасалари фаолият юритаётганини айтиб ўтиш зарур. Улардан бири Самарқанд шаҳридаги махсус мактаб-интернатдир. Бу ерда адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган болалар тарбияланади.

Муассасага ташриф буюриб, мавжуд шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. Тарбияла-

нувчиларнинг аввалги ҳаёти ҳам эътибордан четда қолмади.

Камол Юсупов ўн уч ёшда. У махсус мактаб-интернатта Анджон вилоятдан келибди. Айтишларича, бола онасини ҳеч қачон кўрмаган. Шафқатсиз аёл зурридини гўдаклигида ташлаб кетган экан. Меҳрибонлик уйида тарбияланган Камол муассасадан тез-тез қочиб, кўча-кўйда яшаб юрган.

Ўн икки ёшли Ҳайт Тешабоев эса гулистонлик. Унинг сўзларига қараганда, ота-онаси ўзаро чиқиша олмай, ажрашиб кетишган. Иккаласи ҳам ҳозирда бошқа оила қурган. Ҳайт аввалига онаси билан бирга яшади. Бироқ ўғай ота чиқиштирмади, у бўлар-бўлмасга болани жазолашга уринар, хўрларди. Отасининг уйида худди шундай

аҳвол қайтарилди. Ҳайт у ердан ҳам кетиб қолди. Кўчада яшаб, қоғоз йиғиб топширар, пулига эса егулик харид қиларди.

Бугунги кунда махсус мактаб-интернатда тақдири Камол ва Ҳайтга ўхшаш 131 нафар бола тарбияланмоқда. Ачинарлиси, тарбияланувчиларнинг атиги тўққиз нафари етим, қолганларининг оиласи бор.

Ўтган йили муассасадан 50 нафар тарбияланувчи мустақил ҳаётга кузатилди. Уларнинг аксарияти турли касб-ҳунар коллежларига ўқишга кирди. Махсус мактаб-интернат битирувчиси Артём спорт коллежига ўқишга кириб, бу йил миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақада голибликни қўлга киритди. Рустам эса Тошкентдаги ҳарбий билим юртида таълим олаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бола мисоли ниҳол, уни безътибор қолдирмаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Дилбар САЛОХИДИНОВА.**  
Самарқанд вилояти.

## ЖАҲОН



### АЙВОНИДА

#### АЛОҚАЛАР ТИКЛАНДИ

Сальвадор ва Куба давлатлари уртасида 1959 йилда тўхтатилган дипломатик алоқалар қайта тикланди. Эслатиб ўтамиз, бундан аввалроқ, 2009 йилнинг март ойида Коста-Рика ҳам «Озодлик ороли» билан муносабатларини йўлга қўйганди.

#### КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Associated Press ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, Покистон ҳукумати Сват водийсидаги етита шаҳарда комендантлик соатини бекор қилди. Шу йил май ойида мамлакат армияси толибларга қарши кенг кўламда уруш бошлаганидан сўнг ушбу ҳудудда комендантлик соати жорий қилинган эди.

#### ТАНАЗЗУЛ ТАЪСИРИ

Апрель ойида Европа мамлакатларида ишсизлар сони яна 400 минг кишига кўпайган. Яъни, 14,5 миллион кишига етган. Бундай ўсиш айниқса, Испанияда (18 фоиз) жадаллик билан лавом этмоқда. Таҳлилчилар буни «кўҳна қитъа»нинг аксарият давлатларида юз берган иқтисодий инқироз билан изоҳлашмоқда.

#### ЭНГ ҚАДИМИЙ ХУМЧА

Хитойнинг Хунань музофотида олиб борилган қазималар чоғида қадимий сопол хумча топилди. У 18 минг йил муқаддам ясалган бўлиб, ҳозиргача аниқланган ушбу турдаги буюмлар ичида энг қадимийси саналади.

#### ТОЗА ОКЕАН СУВЛАРИ

«Biogeosciences» журнали биологлар биринчи бор Ер шаридаги тоза океан сувлари жойлашган ҳудудлар харитасини тузишга эришгани ҳақида маълумот тарқатди. Бундай минтақалар «NASA Terra» номли махсус космик аппарат ёрдамида аниқланган. Тадқиқотчилар янги кашф этилган харита дунё океанларининг иқлим ўзгаришларига таъсирини ўрганишда муҳим омил бўлади, дея таъкидлашмоқда.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## БИЗНИНГ СУҲБАТ

## ИҚТИСОДИМИЗ РИВОЖИНИ КЎЗЛАБ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 2 декабрда «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Кейинроқ, аниқроғи, 2009 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз иқтисоди ривожини кўзлаган ушбу Фармонни бажариш юзасидан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Мазкур Қарор билан тасдиқланган Низомда жумладан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига («Навоий» ЭИИЗ) хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, унда бўлиши ва ундан чиқиб кетишининг соддалаштирилган тартиби амал қилиши кўзда тутилган эди. Шу сабабдан республика Ҳукумати 2009 йилнинг 9 апрелида «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланганининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» Қарор қабул қилди. Ушбу Қарорда Навоий вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари зиммасига ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган. Мухбиримизнинг юқоридаги Қарорнинг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар хусусида Навоий вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Голибжон РАҲМОНОВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

— Суҳбатимизни «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг мамлакатимизда вақтинчалик рўйхатдан ўтиш борасидаги мажбуриятларидан бошласак.

— Бу мажбуриятлар Низомда аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар миллий паспортлари ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларини бир сутка ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун «Навоий» ЭИИЗ дирекциясида тақдим этадилар. Байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно. Ўз навбатида «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси бу ҳақда Навоий вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига

ёзма мурожаатнома киритади. Ушбу мурожаатномалар хорижий фуқаролар томонидан вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун миллий паспортлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлари топширилган вақтдан эътиборан уч сутка ичида берилиши зарур.

— Вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддатлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш Навоий вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан бир кун ичида амалга оширилади. Низомда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ёзма мурожаатномаларда кўрсатилган давр учун, лекин виза амал қиладиган муддат доирасида амалга оширилиши белгилаб берилган.

— Мазкур тонфадаги фуқароларнинг хорижга чиқиш тартиби қандай бўлади?

— Низом талабларига мувофиқ, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга кўп марталик чиқиш-кириш визалари бир йилгача бўлган муддатга ёки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси амал қиладиган муддатга берилади.

— «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди-

даги хорижий фуқароларига қандай имтиёзлар кўзда тутилган?

— Юқоридаги қарорда хорижий фуқароларга «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириш ва ундан чиқиш учун визалар бериш, уларни Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш давлат божи ва бошқа туловлар ундирилмасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

— Уларга нисбатан муайян чеклашлар ҳам қўлланиладими?

— «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг мамлакатимиз ҳудудида юриши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш, уларнинг юртимизда бўлиш муддатини қисқартириш ва уларни республикамайдан ташқарига чиқариб юбориш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шу ўринда мазкур тонфадаги фуқаролар миллий паспортларини ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатларини ўзлари билан бирга олиб юришлари шартлигини таъкидлаб ўтишни истардим.

— Суҳбатимиздан кўриниб турибдики, мазкур Қарор сиз раҳбарлик қилаётган бўлим ходимлари зиммасига ҳам талайгина вазифалар юклайди. Бу вазифаларни талаб даражасида бажариш, хорижий фуқароларга қулайликлар яратиш борасида

қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ана шу мақсадда вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ биноси ёнида тўрт хонадан иборат бино қуришни бошлаб юбордик. Қурилиш ишлари қисқа муддатларда якунланиб, хоналар барча зарур замонавий воситалар билан жиҳозланади. Бундан ташқари, Навоий аэропорти биносида хорижий фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилди. Ички имкониятлардан келиб чиқиб, республика Ички ишлар вазирининг буйруғига мувофиқ бўлим таркибига иккита қўшимча штат бирлиги киритилди. Ушбу бўш ўринларга бой амалий тажрибага эга, камида бир-иккита хорижий тилни биладиган ходимлар тайинланади. Бундан ташқари, ушбу йўналишга ихтисослашадиган ходимларимиз учун услубий қўлланма тайёрлаш устида ҳам иш олиб бораёямиз. Мақсадимиз — «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишга ёлланадиган хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, уларга чиқиш (чиқиш-келиш) визалари бериш чоғида қулайликлар яратиш, шу тариқа мамлакатимиз иқтисодининг ривожига камтарона ҳиссамизни қўйиш.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Бобомурод ТОШЕВ.

## «ҚОРАДОРИ — 2009»

## ОҒУГА ҚАРШИ ҒОВ

Маълумки, гиёҳвандлик иллатидан ҳар йили дунёдаги қанчадан қанча инсонларнинг ёстиғи қуримоқда. Шунга қарамай оғуфурушликни касб қилиб олиб, ўзгалар ҳаётини заҳарлаш эвазига мўмай бойлик тўплашга уринаётган шахслар ҳамон учраб турибди. Бундай инсонларнинг қилмишини фош этиш, заҳри қотил йўлига ғов қўйиш мақсадида Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан бир қанча ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, «Қорадори — 2009» тадбири бошлангандан буён гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни етиштириш, истеъмол қилишга жалб этиш, сақлаш, ўтказиш билан боғлиқ 23 та ҳолат аниқланди. Билиб-билмай гиёҳвандликка қўл урган 24 кишига нисбатан жиноят иши кўзғатилди. Айбдор шахслардан 576 грамм турли хил оғу олинди, йўқ қилинди.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, шу йилнинг 8 май куни Чироқчи тумани ички ишлар бўлими ва вилоят ИИБ тоғли ҳудуд ЖҚБ ходимлари ҳамкорликда олиб борган тезкор тадбир натижасида жинорий ҳолат фош этилди. Шу туманда яшовчи уй бекаси Г. Х. ўз ҳовлисида 1600 туп кўкнори ўсимлигини экиб етиштиргани

изқуварлар эътиборидан четда қолмади. Олиб берилган дастлабки суриштирувларда уй эгаси бу дарди бедавони йўталга қарши дори, деб қилмишини хаспўшламоқчи бўлди. Лекин оғу қандай оқибатларга олиб келишини бирров ўйлаб кўрмаган.

Тадбир давомида оғуфурушларни аниқлашдан ташқари, заҳри қотил туфайли юзага келаётган жиноятларнинг сабабини тушунтиришга эътибор берилаяпти. Жойларда мутасадди идоралар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ошқора мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилаётир. Бунда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, прокуратура, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари

билан шуғулланувчи комиссиялар, қишлоқ ҳамда маҳаллалар вакиллари билан ҳамкорликда иш юритилаётгани ижобий самара бермоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида махсус режа ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиляпти. Улғаяётган ёш авлодни турли иллатлардан ҳоли, ҳар томонлама баркамол, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Тадбирларда гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари жонли мисоллар билан тушунтирилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, оғусиз ҳаёт сари интилиш, осойишталикни мустақамлаш йўлида барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан кенг жамоатчилик ҳамкорлиги муҳимдир. Шунда кўзланган мақсадга эришиш осонлашади.

А. ҚИЛИЧЕВ,  
капитан.

Қашқадарё вилояти.

## ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

ОТ ИШҚИБОЗИ ҚЎЛГА  
ТУШДИ

С. Холмирза яхши кунларда кўпкарида қатнашаман, деган ниётда от сотиб олганди. Афсуски, кимдир кечаси уни ўғирлаб кетди. Жиззах вилояти Фориш тумани ИИБ ходимлари томонидан кўрилган тадбирлар натижасида ушбу жиноятни О. Мирзабой содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

ТЕЛЕФОН,  
ЗАНЖИР ВА ПУЛ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Р. Шавкат дўстлари билан учрашиш учун кетаётганида икки номаълум шахс уни тўхтатишди. Кейин қўрқитиб, ёнидаги «Моторола» русумли уяли телефони, сариқ металлдан ясалган занжир ва пуллари олиб қўйишди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати билан Н. Комил ва Г. Наримон гумонланиб ушланди.

АВВАЛ СУҲБАТ,  
КЕЙИН ЖАРОҲАТ

В. Баҳром таниши М. Дилоромнинг уйига бориб, кечгача суҳбатлашиб ўтирди. Сунг унга жароҳат етказиб, тақинчоқларини олди-да, воқеа жойидан қочиш кетди. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ИИБ ходимлари Баҳромни ушлашди. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

СУМКАНИ  
ОЛИБ ҚОЧДИ

Номаълум шахс кўчада дугонаси билан сайр қилиб юрган А. Ольганинг сумкасини олиб қочганлиги ҳақидаги хабар Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ навбатчилик қисмига келиб тушди. Ички ишлар ходимлари зудлик билан ишга киришиб, мазкур жиноятни содир этган шахсни аниқлашди. С. Ҳотам энди қилмиши учун қонун олдида жавоб беради.

Ё. БОБОЖОНОВ,  
лейтенант.

## ТАДБИР

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАШВИҚОТИ

Республика ИИБ Академиясида турли касалликларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Ўқув телемаркази томонидан хасталиклар ҳақида маълумот берувчи видеолар намоиш этилмоқда. Бундай саъй-

ҳаракатлар тингловчиларнинг келгусида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришига қаратилган.

Яқинда Академияда бўлиб ўтган маърифат дарсида ОИВ/ОИТС инфекцияси тарқалишининг олдини олишга бағишлан-

ган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иммунология институти ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор М. Залъалиева ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Ўз мухбиримиз.



МЕХР КЎРСАТИБ

# «ЖАР»ДА ШОДИЁНА

Болалар — ҳаётимиз гултожи. Улар мунаввар кун, нурли истиқбол ва хонадонимиз чирогини сўндирмайдиган шам мисолидир. Дунёда ўзбекдек болажон халқ бўлмаса керак. Халқимиз фарзандига энг яхши нарсаларни раво кўради, тўю-томоша қилиб, унинг бахт-иқболи учун бор-будини аямайди. Бугунги ёш авлод келажак ворислари ҳисобланади. Уларни ҳимоя қилиш, етук шахс сифатида вояга етказиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.


Чунончи, истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлодни етук қилиб тарбиялаш борасида му-

айян ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингани уларни ҳуқуқий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этди. Зеро, Президентимиз айтганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Муҳташам спорт саройи байрамона безатилган. Бу

ерга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди. Тадбирга келган болажонлар маросим бошланишини интизорлик билан кутишмоқда. Ниҳоят ҳар-

гитлар» кўшиғи ижро этилди. «Ўтганлар хотираси мангу» деб номланган театрлашган саҳна кўриниши намойиш этилди. Шунингдек, «Ниҳол» мукофоти совриндори Нафосат



росидаги куй ҳамда кўшиқлар даврага файз киритди. Курсантларнинг жанговар чиқиши ҳам болажонлар олқишига сазовор бўлди.

— Бола яйраса, олам яшарар, деб бежиз айтилмайди, — дейди республика ИИБ «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси бошлиғи, полковник Абдусалом Исаходжаев. — Бинобарин, уларнинг қувончу шодлиги биз, катталарга ҳам завқ беради. Жажжи болажонларнинг кўзларидаги беғуборликни кўрган киши «пошшолик» даврини бир зум бўлса-да ҳис этиши табиий. Бугунги шодиёнада уларга байрам шуқуҳи-

ни бера олган бўлсак, беҳад мамнунмиз.

— Байрам концерти ва курсантларнинг бадий чиқишини болажонлар мириқиб томоша қилишди, — дейди 24-Меҳрибонлик уйи раҳбари ўринбосари Дилфуза Турсунова. — Уларнинг кўнглини олиш, меҳр ва мурувват кўрсатиш савобли ишдир. Бундай тадбирни ташкил қилганларга раҳмат.

Шу кун мурғак қалблар шодликка тўлиб, болаликнинг беғубор ва бетакрор лаҳзаларини тотиб кўришди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
**«Постда» мухбири.**  
**Суратларда: шодиёнадан лавҳалар.**



ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

## «ҲАМИША УЙҒОҚ ШАҲАРЧА»

**Мамлакатимизнинг йирик иншооти бўлмиш Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг асосий қисми завод қурилиши билан бирга бунёд этилган нефтчилар шаҳарчасидаги маҳаллада истиқомат қилишади. Буюк мутафаккир, ислом оламининг етук алломаси, ватандошимиз имом Исмоил ал-Бухорий номи билан юритилувчи мазкур масканда турли миллатлардан иборат 2700 нафар аҳоли инок яшамоқда. Бу ерда барча қулайликлар муҳайё этилган бўлиб, электр энергияси, газ, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган.**

«Ҳамиша уйғоқ шаҳарча» да ҳаёт туну кун, бир маромда давом этади. Нефтни қайта ишлаш заводи кеча-кундуз тўхтовсиз ишлагани боис қайсидир хонадон соҳиби ишга ошиқса, бошқаси меҳнатдан сўнг уйига қайтади.

Маҳаллада ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу борада Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ёнгин хавфсизлигини таъминлаётган 2-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди муҳандис-инспекторлари маҳалла фаоллари ҳамда завод ходимлари билан биргаликда олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

Доимий равишда ёнгин хавфсизлиги оралиқлари, турар жойларнинг атрофи ва ҳудуди ўз вақтида қуруқ ўтлар, қуриган шох-шаббалар, барглари, ишлаб чиқариш чиқиндилари,

ахлатлардан тозаланиб, алоҳида ажратилган майдончаларга йиғилиб, маҳалла ҳудудидан олиб чиқиб кетилмоқда. Хонадонларда электр энергияси ва табиий газдан кенг қўламда фойдаланилиши сабабли ёнгин келтириб чиқариши мумкин бўлган яроқсиз, ностандарт электр ва газ мосламаларидан фойдаланмаслик, маиший электр асбоб-ускуналарни ёқиб, қаровсиз қолдирмаслик хусусида фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Маҳалладаги мавжуд 72 та ёнгин ўчириш, сув олиш гидрантлари ва 5 та очик турдаги сув олиш ҳовузлари созлиги доимий назорат қилинмоқда. Барча саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса корхона ва фуқаролар хонадонларини тилсиз ёв — оловдан ишончли ҳимоя қилишдир.

**Рустам РЎЗИЕВ.**  
*Бухоро вилояти.*

Жорий йилнинг ўтган даврида ходимларнинг ҳушёрлиги ҳамда темир йўл яқинида яшовчи фуқаролар билан олиб борилган кенг қўламли профилактик ишлар натижасида бахтсиз ҳодисалар, юк вагонларида талон-тарожликлар содир этилмади. Ўтказилган тадбирлар натижасида иқтисодиёт соҳасида, шунингдек, гиёҳвандлик, одам савдоси билан боғлиқ 5 та жиноят аниқланди.

Жумладан, Қўрғонтепа туманида яшовчи С. Ирода андижонлик Ф. Назоқат ва К. Санамни алдаб, кўшни республика орқали Бирлашган Араб Амирликларига олиб кетатганида чегара ҳудудидаги темир йўлда хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан ушланди. Суриштирув ишларида шу нарса маълум бўлдики, бу «ишбилармон» қизларни

## ХИЗМАТЛАРДА ТЕМИР ЙЎЛЛАРДАГИ ХАВФСИЗЛИК

**Андижон тармоқ ИИБ «Савай» темир йўл бекати бўлинмаси ходимлари 67 километр узунликда жойлашган «Храбек», «Гуручмозор», «Савай», «Хонобод» темир йўл бекатларида хизмат қилишяпти. Улар поездлардаги халқ хўжалиги юklarини манзилларга беталафот етказиб бериш, турли хавф-хатарларнинг олдини олишда фидойилик кўрсатишмоқда.**

қирғизистонлик «ҳамкасби» ёрдамида хориждаги гумашталарига сотиб юборишни режалаштирган экан.

Қўрғонтепалик Б. Исроилнинг чўнтагидан 11,4 грамм гашиш гиёҳвандлик моддаси топилди. Андижон туманилик А. Раҳим Маъмуробод қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўлда катта сумка кўтариб бораётганида тўхтатилди. Унинг ичидан

хорижда ишлаб чиқарилган, божхона тўловлари қайд этилмаган, истеъмолга яроқсиз 500 минг сўмликдан ортиқ маъсулотлар борлиги маълум бўлди.

Ҳудуднинг кўшни Қирғизистон Республикаси Қорасув темир йўл бекати билан чегарадошлиги ҳаммиша ҳушёрликни тақозо этади. Бўлинмада ўз вазифасига виждонан ёндашиб хизмат қилаёт-

ган ходимлар кўпчиликини ташкил қилади. Жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, лейтенант Аҳмадилло Аҳмадалиевнинг саъй-ҳаракати билан умумтаълим мактабларида темир йўлларда хавфсизликни таъминлаш бўйича суҳбатлар ўтказилмоқда. Шу боис болалар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ўтган йилларга нисбатан бир мунча камайди. Шунингдек, ЖТСГ инспектори, сержант Азизбек Йўлбарсов, ППХ ходимлари, сержантлар Отабек Раҳмонов, Ғайратбек Ҳамидов, кинолог Рустамбек Хўжашовлар намунали хизмати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

**Муҳаммадравшан ЗОХИДОВ.**  
*Андижон вилояти.*

## АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Хоразм вилояти ИИБ ҲООБга бевосита бўйсунувчи вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, қаровсиз ҳамда назоратсиз қолиш ҳолатларининг олдини олиш, усмирларга зарур тарбиявий таъсир кўрсатиш борасида қатор ишларни амалга оширишмоқда. Жорий йилнинг беш ойи давомида марказга 95 нафар ўсмир жойлаштирилиб, улар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилди ҳамда жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди.

— Бу ерга келтириладиган ўсмирларнинг аксарияти оилавий

келишмовчиликлар қурбонига айланишган, — деди марказ бошлиғи, полковник Шавкат Раззоқов. — Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилаёلمиз. Оила тинчлиги ва хотиржамлиги турли ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқмаслигида муҳим рол ўйнайди. Шундай экан келажимиз бўлган болалар бахтли ҳаёт кечириши, етарли даражада таълим-тарбия олиши учун биз, катталар масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Марказда ўсмирларнинг ижтимоий келиб чиқиши,

оилавий шароити атрофлича ўрганилиб, махсус касб-ҳунар коллежлари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, ота-онаси ҳамда уларнинг ўрнини босувчи фуқароларга топширилаяпти. Шунингдек, болалар таълим олаётган муассасалар ҳамда яшаш жойларига ёзма равишда тақдимномалар юборилмоқда. Марказга келтирилган болалар жисмонан соғлом, маънан етук бўлиши учун ўқув машғулотлари, шахмат-шашка, футбол, волейбол, баскетбол мусобақалари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
**«Постда» мухбири.**  
*Хоразм вилояти.*

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# БУРЧИГА СОДИҚ ҚОЛДИ

У оилапарвар, беш фарзанднинг сеvimли отаси эди. Ишига сидқидилдан ёндашарди. Ҳалоллик, қатъийлик, адолатпарварликни ҳаётдаги шиори деб биларди...



Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ учинчи сафарбарлик отряди ИПХ катта инспектори, капитан Бахтиёр Холмирзаев 26 май куни Андижон шаҳридаги Фитрат ва Саноат кўчалари кесишган жойда жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат ўтаётганди. Шу куни ушбу ҳудудда ҳаракат вақтинчалик тўхтатилганди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай бир йигит курткаи кириб шашма билан келди. Капитан Холмирзаевда шубҳа уйғотди. Куртка кириб ички ишлар ходимларининг тўхташ ҳақидаги ишораларига эътибор қилмай, постга яқинлашарди. Капитан Холмирзаев йигитни тўхтатиш учун у томонга юрди. Ораларидаги масофа бир метрча қолганида йигит курткани остидаги портловчи қурилмани ҳаракатга келтирди. Портлаш овози янгради. Бахтиёр Холмир-

заев хизмат бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлди. Бахтиёр Холмирзаев 1967 йилда Андижон вилояти Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғида таваллуд топган. 1992 йилда Тошкент автомобиль-йўллар институтини тамомлагач, бир муддат халқ ўҳжалиги соҳасида ишлайди. 1994 йилда Андижон шаҳар ИИБ ЙХХБга ИПХ инспектори вазифасига қабул қилинади. Кейинроқ ви-

лоят ИИБ ЙХХБ техник назорат бўлинмасида инспектор лавозимида фаолият кўрсатади. 2003 йилда у вилоят ИИБ ЙХХБга қарашли учинчи сафарбарлик отряди ИПХ катта инспектори этиб тайинланади.

Ҳа, капитан Бахтиёр Холмирзаев 15 йил мобайнида сидқидилдан, бенуқсон хизмат қилганди. Хизмат фаолияти давомида раҳбарият томонидан 13 марта рағбатланган. Бу вилоят йўлларида намунавий ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун берилган муносиб баҳо эди.

— Бахтиёржон билан ўн йилдан зиёд бирга хизмат қилганмиз, — дея хотирлайди вилоят ИИБ ЙХХБ катта инспектори, майор Зафарбек Дадажонов. — У чуқур билимли, камтар ходим, яхши дўст эди. Ёш ходимларга йўл-йўриқ кўрсатишдан, ўзининг бой тажрибасини ўргатишдан

эринмасди. Бугунги кунда унинг шоғирдлари ўз вазифаларини мустақил равишда аъло даражада бажаришмоқда. Бахтиёржон оиласини жуда яхши кўрарди, болалари жону дили эди, буш қолди дегунча улар билан бирга бўларди.

Капитан Б. Холмирзаев ўз хизмат вазифаларига ўта масъулият билан ёндашарди. Йил бошидан буён у 1300дан ортиқ қоидабузарликни аниқлади.

2009 йил 23 май куни эрталаб соат саккизларда «Бўз-Улуғнор» йўлида велосипедда кетаётган ака-сингли Мамажоновларни машина уриб юборди. Ҳайдовчи жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан яширинади. Ака-сингли йўловчи машинада касалхонага олиб борилаётганида, қиз жароҳатнинг оғирлигидан вафот этади. Капитан Б. Холмирзаевнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида эртаси куни қоидабузар

ҳайдовчи аниқланиб, қўлга олинади.

— Отам табиатни, жониворларни жуда яхши кўрарди, — дейди Фарангиз. — Вақти бўлиши билан бизларни табиат қўйнига олиб чиқардилар. Юртимиз нақадар гўзаллигини гапириб чарчамасдилар. Шундай сўлим Ватанни севмай бўладими, дердилар. У киши ҳар биримиз ўқиб олий маълумотли бўлишимизни, укам Нурмуҳаммад эса улғайганида ўзларига ўхшаб ички ишлар идораси ходими бўлишини ният қилардилар.

... Май ойи охирида кеч қош қораяди. Бахтиёр Холмирзаевнинг кенжатоғи Нурмуҳаммад дарвоза олдида туриб отасини интиқлик билан кутаяпти. Билмайдикки, бу ёруғ оламда энди ҳеч қачон сеvimли, меҳрибон отажонини кўра олмайди. Капитан Холмирзаевнинг волидаси Муборак опа, умр йўлдоши Илтифотхон, қизлари Ирода, Фарангиз, Мафтуна ва Ўғилонинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш...

# МАРД ЎҒЛОНЛАР ЖАСОРАТИ

ров, Қашқадарё вилояти Косон туманидан Нодира Жумаева, Навоий вилоятидан майор Сўнмас Шодмонов, ИИБ Қоровул қўшинларидан майор Шўхрат Саидов, истеъфодаги подполковник Мария Горбунова, Андижон вилояти ИИБ ИХХҚ ва ЮТБ катта юрист-консулти, майор Козимжон Абдусаломов, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси А. Ҳамраева, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидан Шоҳсанам Мирсоатова, Термиз шаҳридан Қўзибой Абдужалилов, Андижон вилояти Марҳамат туманидан Соҳиб Сабрий, Наманган вилоятидан катта сержант К. Ахматов, Самарқанд вилоятидан Дилноза Эшмуродовалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Шу ўринда тахририятга келаётган айрим мақолалар жузъий камчиликлардан холи эмаслигини айтиб ўтмоқчимиз. Баъзилари баёнга берилиб зерикарли чиққан, айримларида ҳаётий далиллар етишмайди, бошқа бирида қаҳрамон фаолияти тулиқ очиб берилмаган. Шу сабабли улардан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Қимматли вақтларини аямай бизга турли мавзуларда мақола йўллаган муштарийларимизга миннатдорчилик билдирган ҳолда, келгусида пишиқ, пухта хат-хабарлар кутиб қоламиз.

Фуркат ХОЛИКУЛОВ,  
«Постда» муҳбири.



подполковник Ш. Набиев, Навоий вилояти ИИБ ЭХБ катта муҳандиси, катта лейтенант Иззат Собиров, Бухоро тумани ИИБ ЭХБ бошлиги, майор Азиз Жўраев, Қашқадарё вилояти ИИБ ЭХБ илғор тажрибани тарғиб этиш маркази бошлиги Б. Остонов, Фарғона вилоятидан сержант Мансурали Содиков жойларда эътиборсизлик туфайли рўй берган ёнғинлар, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида ўтказилаёт-

Мингбоев ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашган. Бошқа муаллифимиз, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ходими Маҳмуд Абулфайз эса Сурхондарё вилояти ИИБ ХООБ томонидан бу борада олиб борилаётган ишларга тўхталиб, Денов ва Сарийосиё туманларидан икки нафар жиноят қилишга мойил ўсмир мактаб-интернатга жойлаштирилгани ҳақида хабар берган. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиги вазифасини

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Хурматли тахририят. Ўтган йили кўчада қаровсиз қолдириб кетилган гўдакни уйимга олиб кетиб, ота-онаси топилмагач, ўз номимга қонуний расмийлаштириб олган эдим. Лекин ишхонамдан фарзанд учун ажратиладиган пулни беришмади. Маошим эса декрет таътилига чиққаним учун тўхтатиб қўйилди. Ҳозирда меҳнат қилишга сира иложим йўқ, чунки болам парваришга муҳтож. Шу боис сизларга мурожаат қилаяпман. Асраб олинган фарзанд учун ажратиладиган маблағ бериладими? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Д. Аҳмедова, Фарғона шаҳри.

## БОЛАМ УЧУН НАФАҚА БЕРИЛАДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 235-моддасига биноан янги туғилган болани бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий этиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан элик олти календарь кун, икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда

таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунча парваришlash учун қўшимча таътил белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддасига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунча болани парваришlash учун иш ҳақи

сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Таътиллardan боланинг отаси, бувиси, бува-си ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланиши мумкин. Аёл ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (ушбу модданинг биринчи қисми) сақланиб қолади.

Болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришlash таътилларида вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилади.

Суннатулла БАРАКАЕВ,  
ҳуқуқшунос.

## УЧРАШУВ

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОР

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ички ишлар идоралари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари шахсий таркиби билан машғулот ҳамда учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Яқинда вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сарфарбарлик отряди ҳамда ички ишлар идоралари навбатчилик қисмлари ходимлари иштирокида ташкил этилган тадбирда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кундалик хизмат жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар бир ходимнинг диққат марказида бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Вилоят ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Р. Абдуллаев, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиги, майор Д. Матҳолиқов йиғилганларга Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонуни моҳияти, фуқаролар билан муносабатда уларнинг ҳуқуқлари устуворлигига қатъ-

ий амал қилиш, ариза ва шикоятларни ҳал қилишда амалдаги қонунларга риоя этиш, бу борадаги ишларни олиб бориш тартиби тўғрисида батафсил тушунча беришди.

Шунингдек, ички ишлар идоралари навбатчилик қисмларида мавжуд ишонч телефонлари орқали олинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлаётганлиги тўғрисидаги ҳамда бошқа маълумотлар бўйича тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш, ички ишлар идораларида фуқароларнинг раҳбарлар томонидан қабул қилиниши, шунингдек, бажарилиши лозим бўлган бошқа ишлар бўйича услубий-амалий ёрдам кўрсатилди.

Б. ОМОНЗОДА,  
подполковник.

Фарғона вилояти.



**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

Қизи Санобарнинг тўй бошлаганини эшитиб, Назарали аканинг юзига табассум югурди. Рост-да, кўз очиб-юмгунча набиралари ҳам катта бўлиб қолибди. «Ишқилиб хурсандчилик билан ўтказиб олсин». Бу тилак бежиз келтирилмади. Ҳозирги тўйлар спиртли ичимликсиз ўтмаслигини ҳамма билади. Шу боис Назарали ака ўғилларига опасининг тўйида ичмасликни алоҳида уқтирди.

Отасининг сўзини қулоғига тутган Элёр елиб-югуриб хизмат қилди. Меҳмонларни кутиб олиб, кўнгиладидек кузатишди. Кейин ўз маҳалласидан келган тенгдошлари даврасига қўшилди. Гап ароққа бориб тақалаверди.

— Ҳеч бўлмаса бир шиша тополмайсанми, қанақа тўйбоши бўлдинг? — деди йигитлардан бири.

— Тўй тўйдек ўтсин-да ахир!

Уларнинг пичинг аралаш сўзлари таъсир этдими ёки ҳасис деб ўйлашмасин дедими, Элёр йигитларнинг айтганини олиб келди. Кейин иккинчиси ва учинчиси келтирилди...

Тўйдан қайтишадиганда ҳам Элёр ўша оғайнилари билан бирга эди. Ҳаммалари сархуш, гаплари бири-бирига тўғри келмас, талашиб-тортишиб боришарди.

— Тез уйга кир, Элёр. Мен нима дегандиму, сен нима қилиб юрибсан?! Уларнинг ортидан етиб келган Назарали ака ўғлини

## ҚАРИНДОШНИНГ ҚОТИЛИ бўлишига бир баҳя қолди

койиб берди. Қудасининг ўғли Толиб келиб сўрашган эди, унга ҳам уйига боришни тайинлади.

Толибнинг хотини болаларини олиб, онасиникига кетганди. У шу тобда чеккиси келиб, чўнтагини кавлади. Аммо сигарети тугаб қолибди. Бундан сиқилган йигит гандираклаганча яна кўчага чиқди. Буни қарангки, худди шу пайт Элёр отасини ўрнига ётқизиб, ўз уйига жўнаб кетаётган эди.

— Элёр, ярим тунда нега санқиб юрибсан? — деди унга кўрсик билан.

Толибнинг бу қўпол гапи Элёрга қаттиқ ботди. У ҳам бўш келмай, «муносиб» жавоб қайтарди. Шунчаки тортишув куп ўтмай жанжалга айланди. Элёр Толибни кўрқитиш мақсадида

ёнидаги ошпичоқни олиб кезланди:

— Бунни кўряпсанми, агар яна бир оғиз гапирсанг, ўзингга ёмон бўлади!

Аммо Толиб кўрқадиган ҳолатда эмасди.

— Қўлингдан нима келарди сени! — деди беписанд.

Элёрнинг кўзига қон тўлди. У кутилмаганда Толибга ташланиб, баданига тиг санчди. Фожиа юз бергандан сўнг эса қилмишини англаб, дод солиб юборди. Акасини кузатиб, ҳали ўринга ётиб улгурмаган Баҳром бу овоздан хавотирга тушиб, ўзини кўча томонга урди.

— Нима қилиб қўйдингиз, ака?!

Дарҳол «Тез ёрдам» чақирилди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Толибнинг жони омон қолди. Элёр эса тегишли жазосини олди. Энг ёмони, қудаларнинг муносабатига путур етди. Кўриниб турибдики, Чуст туманида қайд этилган бу кўнгилисизлик кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатида рўй берди. Мазкур воқеа ичкиликка ружу қўйган айрим шахсларга сабоқ бўлади, деган ниятда унинг тафсилотларини келтирдик.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**  
майор.

Наманган вилояти.

**Ё, АЛҲАЗАР!**

## КЕЛАЖАККА ТОРТИЛГАН ҚОРА ЧИЗИҚ

Вояга етмаганлар гўё йўл бошида турган йўловчига ўхшайдилар. Нотўғри ташланган биргина қадам боланинг ҳаётини, келажagini бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Хўжаобод туманида яшовчи ўн ёшли Аброр Акмалов тузатиб бўлмас хатога йўл қўйди. Бу шундай мудҳиш хато бўлди-ки, охир-оқибат у мусибат билан яқун топди.

Аслини олганда Аброр эслихушли, уй ишларида онасига кўмаклашувчи, бир сўз билан айтганда, содда қишлоқ боласи. Шу билан бирга, мурғак қалбида ор-номус, гурур аталмиш туйғулар ҳам мавжуд. Бу туйғулар эндигина ниш ура бошлаган бир дамда улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги-ю, қай ҳолатда амал қилиш кераклигини ҳали англаб улгурмаган эди...

Аброр укаси Асрорнинг «Равшан мени уряпти» деяверганидан сўнг, у билан яхшилаб гаплашиб қўйиш керак, деб ўйлади. У Равшан билан учрашиб, укасини ранжитмаслигини сўради. Бола барибир болада. Равшан ҳам паст келишни истамасди. Асрордан ўзига ҳурмат талаб қилди. Акс ҳолда уни ранжитишдан ўзини тия олмаслигини айтди. Шундай бўлди ҳам. Асрор ҳадеб акасига Равшандан нолийверди. Кунда-кунора уйга йиғлаб келадиган одат чиқарди.

Ўша куни, яъни мудҳиш воқеа содир бўлган куни Аброр далада сугирга ўт ўриш билан овора эди. Бирдан Равшанни кўриб қолди-ю, унга пешвоз чиқди. Ҳар

икки тараф ҳам ўз гурурини ҳимоя қилаётгандек ҳис этди ўзларини. Икки тенгдош бири-бири билан муштлашиб кетди. Аброр Равшанни ўроқ билан уриб, тан жароҳати етказди. Бу ҳам камлик қилгандек уни ариқдаги сувга чўктирди. Бир неча вақт мобайнида бошини сувдан чиқара олмаган Равшан шу таҳлитда жон берди...

Равшан ҳам, Аброр ҳам эндигина ўн ёшни қарши олганди. Уларнинг ҳаётлари ҳали олдинда эди. Афсуски, ойдин келажакка қора чизиқ тортилди. Бирини ҳаётга қайтиришнинг, иккинчисидан эса «қотил» деган тамғани олиб ташлашнинг иложиси йўқ. Аттанг...

Азиз замондош! Фарзандларимиз ҳаётида аттанг қилиб қоладиган ҳолатларимиз юзага келмасин десангиз ҳар доим хўшёр бўлинг. Уларнинг тарбиясида оғишмай, тўғри йўлга сола билинг. Шунда шубҳасиз ҳаммаси кўнгиллагидек бўлади.

**Нилуфар МҮМИНОВА,**  
майор.  
**Саминжон ҲУСАНЗОДА,**  
журналист.

Андижон вилояти.

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

Олтинчи март тонготарида вилоят ИИБ навбатчилик қисмига Бухоро шахрининг Намозгоҳ кўчасида жойлашган ўйингоҳ ёнидан ўтувчи ариқ ичидан мурда топилганлиги ҳақида хабар қилишди. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи аъзолари аянчли манзарага дуч келишди. Ариқ ичида 20-25 ёшлардаги қиз бош мияси мажакланган ҳолда ўлиб ётарди. Кийинишига қараганда у тўй ёки бирор тантанасига отланган кўринарди.

Дастлабки суриштирувлар натижа бермади. Яқин атрофда яшовчилар кечаси ҳеч қандай шовқин-сурон эшитишмаганди. Дарҳол юз берган воқеа ва марҳуманинг ташқи белгилари ҳақида туманлар ИИБларига ҳамда вилоят вилоятлар ички ишлар бошқармаларига хабарнома-лар юборилди. Бу орада ўтказилган суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, қотиллик тахминан ярим кечаси юз берганлиги аниқланди.

Яқин атрофдаги тўйхона эгаларидан ҳам суриштириб кўрилди. Аммо улар шу кеча бўлиб ўтган тўйларда суратдаги қиз бўлганлигини эслашолмади. Юзлаб одамлар келадиган,

ўйин-кулгу авжига чиқадиган тантаналарда ҳамма меҳмонларни эсла олиб қолиш қийин, албатта. Қолаверса, тўйга ким келиб, ким келмаганининг тўйхона эгасига нима қизиғи бор. Тўй эгалари ҳам бунни эслаб қолишлари мушкул. Шунинг учун тезкор ходимлар қотиллик юз берган кеча бўлиб ўтган тўй тантаналари тасвирга туширилган видеокассеталарни бирма-бир томоша қилишга қарор қилишди.

Навбатдаги видеокассетани томоша қилаётиб изқуварлар енгил нафас олишди. Сабаби ҳалиги қиз даврада очилиб-сочилиб ўтиргани тасвирда шундоқ кўриниб турарди. Кейинги тасвир-

## Тўйдан кейинги аза



ларда у рақсга тушаётгани акс этганди. Сўраб-суриштириб, у шаҳардаги Карвонбозорда гамбургер сотувчи, Торобий кўчасида яшовчи Барно исмли (исмлар ўзгартирилган) қиз эканлиги аниқланди.

Шундан сўнг Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник С. Ҳафизов ва вилоят

ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, майор Ш. Темуров унинг уйига боришди. Сухбат чоғида ота-онаси қизлари кечаси уйга келмаганлигидан хавотир олиб ўтиришганини айтишди. Синглиси эса Барно тўйда аввалига рақс тушганини, кейин ҳожатга бораман, деб тўйхонадан чиқиб кетганича қайтиб

келмаганлигини, опасини кута-кута тўйдан кўни-қўшнилари билан бирга қайтганлигини гапириб берди.

Аммо у гапирар экан ўзини безовта сезар, нуқул кўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди. Бу ҳолат тажрибали ходимларнинг синчков назаридан четда қолмади. Улар Барно ўлдирилганлигини айтиб, ёлғон кўргазмалар қийинлаштириши мумкинлигини тушунтиришгач, қиз йиғлаб юборди ва опаси тўйдан яхши кўришган йигити билан чиқиб кетганлигини айтди.

... Ўша куни Барно табиатан қувноқлиги учунми ёки тўйдаги хуш кайфият, хурсандчилик таъсир этибми, яйраб-яйраб рақсга тушади. Бунни кузатиб турган яхши кўрган йигити Собирнинг рашки келади. У даврага чиқиб, қизга аччиқ-қуруқ гапирди, кейин иккаласи муносабатларини ойдинлаштириб олиш учун тўйхонадан чиқиб кетишди.

Кўздан пана жойга боришгач, Собир қизга дағдаға қилади:

— Нега бошқалар билан рақсга тушаяпсан?

Қиз ярим ҳазил, ярим чин, шўхчан жавоб қилади:

— Аввал менга уйланинг, кейин ҳужайинчилик қиласиз. Ҳозирча бошим очиқ, ихтиёрим ўзимда.

Бу гап кайфи ошиб турган йигитнинг қонини қайнатиб юборди. У ерга энгашиб, қўлига илинган нарса билан Барнонинг бошига туширади. Ерга чалажон, беҳуш йиқилган қизни ариқ ичига судраб туширади. Энди кетаман деб турганида қизнинг бўйнидаги тилла занжирга, қулоғидаги қимматбаҳо зирақларига кўзи тушади...

Қотилни қўлга олишгач, унинг уйини кўздан кечиришганида, марҳумага тегишли тақинчоқлар топилди. Ушбу жиноятни «иссиқ изида» фош этишда вилоят ИИБ катта тезкор вакили, майор У. Раҳмонов, Бухоро шаҳар ИИБ катта тезкор вакили, подполковник Б. Самадов катта ҳисса кўшишди.

**Эркин ФОЗИЛОВ,**  
капитан.  
**Бобомурод ТОШЕВ.**

Бухоро вилояти.



«УМИД НИХОЛЛАРИ — 2009»

# «КИЧИК ОЛИМПИАДА» ГОЛИБЛАРИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида спортга катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг самараси ўлароқ, спортнинг барча йўналишлари ривожлана бошлади ва тез орада бу ўзининг ижобий натижасини берди.

Юртимизда уч босқичли спорт мусобақаларининг биринчиси яъни, мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» беллашувининг ўтказилиши жисмонан бақувват, маънан етук авлодни камол топтириш ва тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг замонавий, мухташам спорт иншоотлари ва саройлар қад ростламоқда. Қувончлисиз, бундай спорт мажмуалари юртимизнинг энг чекка қишлоқларига ҳам кириб бораёттир. Бундай хайрли ишлар барча ватандошлар қалбида фахр, ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинларининг финал босқичи ўтказилиши муносабати билан Гулистон шаҳрида

бунёд этилган янги спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор намоён этди, десак муболага бўлмайди.

Уч кун давом этган баҳсларда юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган икки мингга яқин мактаб ўқувчилари спортнинг ўн икки тури бўйича беллашдилар. Мусобақалар халқаро Олимпиада талаблари асосида ўтказилди. Кутилганидек, ҳар бир беллашув қизиқарли ва шиддатли кечди.

Энг кўп очко жамғарган Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Жамоага Президентимизнинг «Умид ниҳоллари — 2009» ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда бош соврин —



«Дамас» автомобили берилди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари — сирдарёлик ҳамда хоразмлик ўқувчилар ҳам «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Шунингдек, «Ғалабага бўлган иродаси учун», «Энг ёш иштирокчи», «Энг кучли ҳужумчи», «Энг чиройли партиясиз учун» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар эълон қилинди. Улар компьютер ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Спорт байрамнинг тантанали ёпилиш маросимида таниқли санъаткорлар томонидан концерт намойиш этилди.

Шундан сўнг мусобақа давомида порлаб турган «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари машъаласи сўндирилди. Сирдарёлик ўқувчи-спортчилар 2012 йилда ўтказиладиган навбатдаги мусобақалар мезбони — Навоий вилояти вакилларига топширишди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақаларни ўтказишда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Тадбирда жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари билан

бир қаторда республика ИИБ соҳавий хизматлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Навоий, Наманган вилоятлари ҳамда Транспорт ИИБлари ходимлари ҳам «Кичик олимпиада»нинг тинч, осойишта ўтишида хизматларини аяшмади.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Э. Зоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Сирдарё вилояти ҳокими А. Жалолов ва республика Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев иштирок этди.

**А ФАЙЗИЕВ,**  
**Н. ЙЎЛДОШЕВ,**  
катта лейтенант.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.  
Сирдарё вилояти.

АМАЛИЙ СПОРТ

Навоий кон-металлургия комбинати ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг спорт майдончасида кўнгилли ёнгин ўчириш жамоалари ўртасида ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

## ЭПЧИЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мазкур беллашувлар икки босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли тўртта кон бошқармаси, жумладан, Зарафшон қурилиш бошқармаси ҳамда НКМКга қарашли Навоий ҳудудида жойлашган корхона ва масканлар ўртасида биринчилик ўтказилди.

Иккинчи босқичда эса голиб деб топилган барча кон бошқармаларининг кўнгилли ёнгин ўчириш жамоалари ўртасида комбинат биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақа шартига кўра, беллашувлар икки йўналишда ўтказилди. Яъни, 100 метр масофага тўсиқлар оша югуриш ва 4x100 метрли ёнгин ўчирувчилар эстафетаси.

Комбинат биринчилиги баҳсларида биринчи ўринни Навоий кон-металлургия комбинати қарашли Зарафшон шаҳридаги марказий кон бошқармаси спортчилари эгаллади. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарига НКМКга қарашли Учқудуқ шаҳридаги Шимолий кон ҳамда Зафаробод қўрғондаги кон бошқармаси вакиллари кўтарилди.

Голиб жамоалар ва спортчилар Фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сўнмас ШОДМОНОВ,  
майор.

Навоий вилояти.

ЎҚ ОТИШ

## МЕРГАНЛИК БАҲСИ

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти режасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида XVIII спартакиада дастурига киритилган ўқ отиш мусобақаси бўлиб ўтди. Унда тўққизта жамоа мерганлик маҳоратини синовдан ўтказди.

Қизиқарли кечган баҳсларда республика МХХ вакиллари голибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда ИИБ Қоровул қўшинлари жамоасига насиб этди.

Шунингдек, шахсий биринчиликда А. Ирсалиев (МХХ), Р. Қодиров (Тошкент шаҳар ИИББ) ва К. Авазов (ИИБ Қоровул қўшинлари) яхши натижаларни қайд этиб, совриндор бўлишди.

Голиб жамоалар ва спортчиларга кубок, Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зилола ХОЛМЕТОВА.

АҚЛ ЧАРХИ


Газетамизнинг 21-сонидан берилган машқларга мухлисларимиздан кўплаб жавоблар олдик. Жумладан, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ходими, сержант Ш. Бегалиев, Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходими, капитан У. Ахмедходжаев, Сирдарё вилоятидан Ш. Жўраевлар вариантларни ечишга анча ҳаракат қилишган. Аммо бу машқларда оқларнинг биринчи юришини тўғри топиш муҳим. Ана шунда қоралар қандай жавоб қилмасин, иккинчи юришда мот бўлади. Тўғри жавобни фаол мухлисимиз Жиззах вилояти Дўстлик тумани ИИБ ЖТСГ катта инспектори, капитан А. Назаров ва ИИБ Академияси ходими, майор К. Каебаевлар тўғри топишган. Жавоб қуйидагича:

а) 1. Фарзин С8; Фарзин С8Х. 2. Рух D6+.

б) 1. Фарзин D7; Шоҳ D1X. 2. От С3+.

Навбатдаги машқларда ҳам оқлар бошлаб, иккинчи юришда қораларни мот қилади:

а)



б)



СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

## МУХЛИСЛАР ТАЛАБИГА БИНОАН

Таҳририятимизга кўнгиноқ қилиб, «Бунисизга нима дейсиз?» деган саволимизга ҳозиржавоблик билан изоҳ йўллаётган мухлислардан миннатдоримиз. Бир муддат ҳазил-суратлар газетамизда берилмади. Лойнҳамизга ўрганиб қолган муштарийларимиз телефон орқали сим қоқиб, уларни яна газета саҳифаларида кўришни хоҳлашаётганини айтишди. Буни инобатга олиб «Сурат биздан, изоҳ сиздан» рукни остида бериладиган ҳазил-суратни яна эътиборингизга ҳавола этаймиз. Марҳамат, ҳажвга бой изоҳлар, кулгили иборалар йўланг.



Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 254-37-91 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.

**ҲУКМ ҲАҚИДА**

Ўсмирлиги ортда қолган Анварнинг (исмлар ўзгартирилган) бўйига «ола хуржун» илиниб, рўзғор ташвишлари билан яшаш кераклигини тушуниб етди. У бошқа тенгдошлари каби четга ишлагани кетмади. Шу ерда ҳам бинойидек пул топиш мумкинлигини англаб етди. Ижарага «Дамас» машинасини олиб, қиракашлик қилаётган эридан хотини ҳам мамнун эди. Бирин-кетин дунёга келган икки фарзанд уларнинг овуноғига айланди. Анвар энди эътиборини кўпроқ ишлаш, уларни бекамму кўст тарбиялашга қаратди. Хотини рўзғорга кўмак бўлиши учун тикувчилик қила бошлади.

турган бўлса, энди ошхона эгасининг сейфини тўлдириб турарди. Болалари ва йўлига кўз тикиб ўтирган хотинини ўйламаган уста чўнтаги куруқ бўлса-да, аёллар билан кўнғилхушлик қилишни тусаб қолди. У энгил табиатли таниш аёлларни излади, афсуски тополмади. Таъби хира бўлиб, шаҳарнинг тор кўчаси бўйлаб борар экан, пасткам бир уйнинг деразасини синдириб, ичкарига кирди. Тасодифни қарангки, Венера шу куни уйда ёлғиз эди. Кутилмаган меҳмоннинг ғайритабиий ташрифидан чўчиб тушган киз:

– Кимсиз, бу ерда нима қилиб юрибсиз? – деб бақирди.

га қайтиб келган «манглайи қора» аёлга яқинлари ҳам ёвқараш қила бошлашди. Уйланиб хотин қадрига етмаган Одил унга совчи кўйди. Дилфуза рад этди. Отаси эса уйига келиб ўтирган қизидан тезроқ қутулишни истарди. Шу сабабли у кўча-кўйда тинч кўймай, соядек эргашиб юрган Одилга турмушга чиқишга мажбур бўлди. Улар никоҳсиз бир йилча яшашди. Дастлабки кунлар ўзини яхши тутиб юрган Одил яна эски ҳунарини бошлаб, хотинини дўппослай бошлади. Бунга чидолмаган Дилфуза ота уйига қайтиб келди. Илон ёғини ялаган Одил хотинини олиб кетиб, бир-икки кун ўтгач, яна урди. Аёл ота уйига қайтди. Одил авраб кўрмоқчи бўлди, бироқ мантиқсиз баҳоналар билан калтакланган Дилфуза қатъий қарорини айтди. Орадан анча вақт ўтиб, қулай пайт топган Одил ён-атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, унинг йўлини тўсди.

– Илтимос, мени тинч қўйинг. Оиламни бузиб менга уйландингиз, лекин рўшнолик кўрмадим. Энди сиз билан яшамайман, – деди Дилфуза.

Бундан жаҳли чиққан Одил уни захкашнинг ичига судраб тушди ва хирсини қондиришга уринди. Аммо Дилфуза қўлидан сирғалиб чиқиб, тепага кўтарилди бошлади. Аламзада Одил кўнжидан пичок олиб, хотинига санча бошлади. Воқеа жойига яқинлашиб қолган машина ҳайдовчиси Акмал аёлга ёрдам беришга шошилди. Одил эса кутилмаган рақибга ташланди. Акмал пичоққа чап бериб, ундан анча узоклашди ва аёлни кўйиб юборишини сўради. Одил унга ҳақоратли сўзлар билан жавоб қайтариб, яна чалажон ётган хотининг ёнига қайтди. Акмал вақтни бой бермай одамларни ёрдамга чиқарди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан Дилфузанинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча ҳолатлар бўйича жиноий жавобгарликка тортилганлар жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди томонидан тегишли жазо олишди. Албатта, суднинг адолатли ҳукми юракларга биров бўлса-да таскин беради. Бироқ ушбу жиноятлар содир бўлмаслиги ёхуд уларнинг олдини олиш мумкин эди-ку. Яхшилаб ўйлаб кўрсак қаерда хато қилинган ва нималарга кўпроқ эътибор бериши кераклигини англаш қийин эмас.

**Дурдибой худойшукуров, «Поста» мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси.

**ЁВУЗЛАШГАН ҚОТИЛЛАР**

Нукус шаҳрининг осуда оқшоми. Йўловчиларни манзилларига элтиб, чарчоғини ёзиш учун қўлларини кенг ёйиб керишган Анвар телефоннинг қўнғироғидан ажланиб, атрофга назар ташлади.

– Кўлингиздаги телефонни йўқотиб қўйгандим. Илтимос, уни менга қайтаринг, суюнчиси бор, – қизнинг ширалли овози Анварнинг хаёлини ўғирлади.

– Уни йўқотмагансиз, менинг машинада унутиб қолдиргансиз, холос. Манзилнингизни айтинг, ўзим олиб бориб бераман, – деди Анвар.

Анвар қизга телефонни топшираётганида шундай гўзал малак машинасига чиққанида пайқамганига ҳайрон бўлди. Қиз сумкасида бир даста пул олиб йигитга узатганида унинг нозик бармоқларидан оҳиста ушлаб, яна сумкасига жойлаб қўйди.

– Холис хизматга ҳақ олинмайди, синглим, – деди у ва табассум қилиб, ортига қайтди. Шу куни очиқ юз билан қарши олиб, атрофда парвона бўлаётган хотини кўзига хунук кўрди. Бўйнига осилиб, юз-кўзларидан ўпиб, эркалик қиладиган фарзандларини оёғига боғланган кишан, деб ҳис қилди.

Эртаси куни машинасига чиққан Сайёра у билан қардонлардай саломлашди. Омадни қарангки, қизнинг уйи ва ўқиш жойи Анвар юрадиган йўналишда экан. Бора-бора Сайёра ҳам Анварни пойлайдиган бўлди. Чунки қизнинг қалбига муҳаббат пайдо бўлган эди. Йигит эса ундан оиласи, икки фарзанди борлигини яширди. Сайёранинг соддалиги курсин, Анварни яхшироқ билишнинг чораларини кўриш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

Дам олиш кунларининг бирида йигит уни айланишга таклиф этди. Шаҳарнинг сўлим жойларини кезишди, истироҳат боғида бўлишди. «Айдин жол» бозорига кириб, ул-бул харид қилишди. Кейин Анвар шаҳар чеккасидаги одамлар эътиборига кўпам тушавермайдиган хилватроқ жойда машинани тўхтатди.

– Кун қизиб кетди, шу соя-салқин жойда биров дам оламиз, – деб сумкадан арок

ва колбаса чиқариб қўйди.

– Йигитнинг севган қизига спиртли ичимлик таклиф қилиши одобдан эмас, – деди Сайёра нимтабассум қилиб.

– Шу бўлмаса сўзимиз қовушмайди-да, – деб беўхшов ишлайди Анвар.

– Мен унақа қизлардан эмасман, – деди Сайёра.

Анвар индамади, аммо аламини арокдан олди. Шунча пайтдан бери висол орзусида юрган йигитга қизнинг сўзлари ҳақоратдай туюлди. У қизнинг соҳига чанг солди ва ниятига етиш йўлида очкўз ҳайвонга айланди. Ваҳший таъқибни тўхтатмади, унга қарши тура олган ожизани ўлдиришга аҳд қилди. Чангалига тушган қизни юз-кўзи демая, аямай калтаклади, тепкилади. У бутунлай жимиб қолгач эса қулоқлари, бўйнидаги тилла тақинчоқлар, уяли телефони ва сумкасидаги пулларни олиб, жасадини чуқурга ташлади-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандек уйига қайтди...

Нукуслик Мамбетяр дурустгина дурадгор. У ясаган дераза-эшиклар анча хариддоргир. Аммо бир ёмон одати бор, ёнига пул тушиши билан ича бошлайди. Бетайин улфатлари ҳам буни яхши билишади, шу боис, у қаерда ишламасин, меҳнатига ҳақ олишини пойлаб юришади. Бугун ҳам шундай бўлди. «Супер уста» улфатларини кўриб:

– Ер тагида илон қимирласа биласизлар, – деб кулиб қўйди ва уларни одатдагидек ошхонага таклиф этди. Улфатлар унинг шаънига олқишлар айтиб, ишига барака тилашди.

– Ота-онам пайқамангиз истезъодни сизлар қадрлайсизлар, – деб Мамбетяр улфатларига миннатдорчилик билдириб қўйди. Улар ярим тўнда тарқалишди. Сал олдин пешона тери билан топилган пуллар Мамбетярининг чўнтагини қаппайтириб

– Сен билан дам олмакчиман, – деди Мамбетяр фарзанди тенг қизга ва унга ташланди. Қиз чап бериб, кўчага югуриб чиқди-да, дод солиб бақира бошлади. Мамбетяр унинг оғзини ёпиб, гараж томонга олиб ўтди ва ваҳшийларча калтаклаб, жонига суиқасд қилди. Унинг тун қўйнида садо берган нодаларини ҳеч ким эшитмаганига ишоний қийин. Аммо эшитган одамлар лоқайдлик ёпинчигини ёпинган эҳтимолдан холи эмаслигига шубҳа йўқ. Бир олам орзулар қанотида учаётган қизнинг ҳаёт гулини қуритиб, бемалол уйига келган Мамбетярининг аҳволини кўриб отаси кўрқиб кетди. Унинг саволларига ўғил одатдагидек жавоб бермади. Отанинг кўнгли ниманидир сезди ва тонг ёришиши билан ички ишлар ходимлари қотилнинг қўлларига кишан уришди.

Муҳаббат бобидаги саргузаштлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ошиқларнинг ёр қалбини забт этиши ва бу йўлда ҳар хил хийлалар ишлатгани хусусда турли ривоятлар мавжуд. Тўрткўллик Одил ҳам Дилфузага етиша олмагани учун анча афсусланиб юрди. Аллақачон оилали, фарзандли бўлиб кетган аёлнинг уйига қўнғироқ қилиб, турли бўлмағур гапларни тўқиб-бичиб гапирди. Кўча-кўйда, тўй-маъракаларда ҳам Дилфузанинг энгил табиатли аёл эканлиги ҳақида миш-мишлар тарқатди. Бу гаплар туфайли оиладаги осойишталикка путур етди. Охир-оқибат мальўн ғалаба қозониб, Дилфузанинг оиласи бузилди. Боласини кўтариб, уй-

**ҚИДИРИЛМОҚДА**

Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

**Владимир Федорович Кузьмин.** 1968 йилда туғилган. Китоб шаҳар Оқсув кўчаси, 64/2-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи, қоши малларанг, кўзлари кўк.



**Юсуф Пулатович Юлдошев.** 1970 йилда туғилган. Китоб тумани Сурум қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, кўзлари қора, қиррабурун.



**Жамшид Соибович Джуманов.** 1988 йилда туғилган. Китоб тумани Узункир қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи ва кўзлари қора.



**Аскар Азимович Ражабов.** 1967 йилда туғилган. Китоб шаҳар Ғалаба кўчаси, 44-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, қошлари ёйсимон.



**Акмалжон Амирович Норқобилов.** 1983 йилда туғилган. Китоб тумани Қурама қишлоғида туғилган.

**Белгилари:** бўйи 180-185 см, сочи қора, қошлари ёйсимон.



**Фазлиддин Эгамназарович Хуррамов.** 1984 йилда туғилган. Китоб тумани Эскиўртачил қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, қошлари ёйсимон.



**Яшин Ибрагимович Раҳматов.** 1951 йилда туғилган. Китоб шаҳар Буюк ипак йўли кўчаси, 155-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, кўзлари қора, қошлари ёйсимон.



**Сафарбой Нуриддинович Раҳмонов.** 1970 йилда туғилган. Китоб тумани Оёқчи қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора.



**Анвар Нарзуллаевич Азимов.** 1969 йилда туғилган. Китоб тумани Рус қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, қошлари қора, ёйсимон.



**Меҳриддин Нуъмонович Мансуров.** 1980 йилда туғилган. Китоб тумани Нурафшон қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи, кўзлари қора.



**Ўткир Ихлосович Тугалов.** 1974 йилда туғилган. Китоб тумани Гулшан қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, кўзи қора, қошлари ёйсимон.



**Марат Нарзуллаевич Азимов.** 1966 йилда туғилган. Китоб тумани Рус қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, қошлари ёйсимон.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Китоб тумани ИИБга ёқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бахмал тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан

**Даврон САТТАРОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинлари ҳамда оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.





Атоқли ўзбек адиби Саид Аҳмад 1920 йил 10 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган эди. Бугунги кунда унинг ҳикояю қиссалари, романлари, хусусан «Уфқ» трилогияси етиб бормаган бирорта ўзбек хонадонини топиш амри маҳол. Драматик асарлари, айниқса, «Келинлар кўзголини» пьесаси эса нафақат юртимиздаги, балки кўплаб хорижий мамлакатларнинг нуфузли театрлари сахналарида ҳам муваффақият билан намойиш этилапти.

Саид Аҳмад мустақиллик йилларида ҳозиржавоб публицист сифатида юртимизнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этди. Унинг шу даврда яратилган «Йўқотганларим ва топганларим», «Қорақўз Мажнун», «Киприқдаги тонг» асарлари халқимизнинг маънавий ҳаётида ёрқин из қолдирди. Ёзувчининг адабиётимиз ривожига ва маданиятимиз юксалишига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Буёқ хизматлари учун», «Дўстлик» орденлари билан тақдирланган эди.

Куйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳажвиясини эътиборингизга ҳавола этаёلمиз.

Саид АХМАД, Ўзбекистон Қаҳрамони.

# ҚОПЛОН

Янги ҳовли Тиллаевга ёқди. Юкларни машинадан тушираётганда Курбонбой бир гап айтиб қолди:

— Сизга энди битта ит лозим, ўртоқ Тиллаев. Ит уйнинг савлати. Албатта ит боқинг. Ўзим ғалатисини топиб бераман.

Тиллаевнинг итга унчалик хуши йўқ эди, индамай кўя қолди. Курбонбой хотинларнинг ҳайҳайлашига қарамай полни ҳам ўзи ювди, гиламни ҳам ўзидан олиб чиқиб, қоқиб келди.

— Ия, ия, биз турганда нега энди сиз пол юваркан-

сиз, опа? Ўзимиз қоғириб ташлаймиз. Мен гилам қоқайину, сиз томоша қилинг. Аммо-лекин итнинг ғалатисини боқиб керак. Кўчадан кирган одам киройи директор бўлсанг, шунақа ит боқ, деб ҳавас қиладиган бўлсин.

Курбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳам дарров кета қолмади. Ҳовлида анча айланган юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.

— Йуууқ, ўртоқ Тиллаев, ит масаласини бизга қўйиб бераверинг. Мана,

итнинг жойи шу. Кичкинагина, ихчамгина уйча қуриб берсам, итнинг ҳам жони кириб қолади. Хўп, биз кетдик.

Курбонбой кетди. — Бу киши ким бўладилар? — деди Тиллаевнинг хотини унинг орқасидан бориб эшикни илгаклаб қайтаркан.

— Жудаям анигини билмайман, гаражимизда ишласа керак. Кўчишга машина сўраганимизда завгар, қарашиб юборди, деб қўшиб берган эди, — деди Тиллаев.

— Дуруст одамга ўхшайди. Чаққонгина экан. Эртасига Тиллаев ишдан қайтиб ювинаётганида Курбонбой каттақон ит етаклаб келди. У итни айвоннинг устунига бойлаб, илжайди.

— Оти Қоплон, Тиллаев ака. Одамнинг яхшисини дарров танийди. Сизга тез ўрганиб кетади. Эртага яхшилаб уйча ясаб бериб кетаман.

У қўлини ювиб келиб, ярим соатча итнинг таърифини қилиб ўтирди.

— Ит ҳамма гапни тушунади, фақат жониворнинг тили йўқ.

Курбонбой бир сўзли киши экан, айтганини

қилди. Тиллаев ишга кетганида замбил алтақда ёшиқ олиб келиб, итга уйча ясаб кетибди. Магазиндан алюмин тоғорача олиб, итга ялоғ қилиб берибди. Тиллаев идорадан чиқиб, энди машинага ўтираман деб турганида, югуриб келиб қоғозга ўроғлиқ нарса узатди.

— Хўжайин, Қоплонга насиба. Кабобчи ошнамга тайинлаб қўйган эдим, суякни бегона қилма, деб.

— Курбонбойнингиз

гиз, уйингизга иккинчи қадам босмай кетаман.

Шу-шу бўлди-ю, Тиллаевнинг унга ихлоси ошиб кетди. Шундоқ яхши одам гаражда машина ювиб ўтирмасин, деб уни гараж мудирига муовин қилиб қўйди. Уйига бир юз саксонга шифер, ўттизта тунука тушириб берди. Аммо Курбонбой ҳар тушлиқда келиб, Қоплонни ўйнатиб келишини тарқ қилмади. Бу орада Тиллаевнинг эски бод касали тутиб, ётиб қолди. Аввалига Курбонбой келиб, унинг ҳолидан хабар олиб турди. Докторлар энди бўлмайди, пенсияга чиқинг, деб маслаҳат беришгандан кейин Тиллаев министрликка ариза ёзиб, ишдан бўшатишларини сўради. Министрлик унинг талабини қондириб, ўрнига бошқа директор тайинлади. Курбонбой ўша куни келиб, Қоплонни айлантургани олиб чиқиб кетди-ю, қайтиб келмади. Тиллаев Қоплонга анча ўрганиб қолган экан, то ярим кечагача икки кўзи кўчада бўлиб, итни пойлади. Йўқ, Қоплон бедарак кетди. Курбонбой ҳам қорасини кўрсатмай қўйди.

Орадан анчагина вақт ўтди. Тиллаев ҳассага таяниб кўча айлангани чиқди. Бир маҳал қараса кўчанинг нариги бетида Курбонбой Қоплонни етаклаб юрибди. Чақирса ит қаради-ю, Курбонбой қарамади. Ўша куни янги директор ўғлининг туғилган кунига ўтириш қилиб бераётган экан. Тиллаевга машина юборибди. Эр-хотин боришди. Дарвозада киришлари билан йўлакда ётган Қоплон уларни кўриб, думини ликиллатиб эркаланди.

— Бизнинг ит қалай? — деди янги директор.

— Бу итни танийман, — деди Тиллаев ва нарироқда янги директорнинг чарм тўнини туфлаб артаётган Курбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди.

1962 йил.

## ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА



Пойтахт-фавворалари.

Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

## ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

### ХУШ КЕЛДИНГ, БОЛАЖОН!

Фарзанд дунёга келди. Чақалоқнинг юракларни хапиртирувчи, севинч ва шодлик улашувчи бетакрор оҳанг — «инга-инга»си оламни тутди. Кейин борлиқни бир зум сукунат чулғади. Қалблар интиқди, жунбушга келди. Дарахларнинг барглари майин чайқалди, майсалар шивирлади, мовий гумбаз янглиғ осмонда булутлар кўзгалди. Қушлар жуфт-жуфт бўлиб, қанот қоқиб, чарх ура бошлади. Бу ажиб манзарада гўдак йиғисига жавоб: «Хуш келдинг, ёруғ оламга, болажон», деган маъно бордек эди, гўё.

### ХОНАДОННИ ЧАРОҒОН АЙЛАГАЙ

Гўдак бешиқда ором олаяпти. Ундан хушбўй хид таралмоқда. Таажжуб, бу ҳидни олдин сира туймаган эканман. Вужудим, бутун борлигим унга ошuftа бўлди. Кекса-

ларимиз чақалоқдан жаннатнинг ҳиди келади, дейишгани рост экан. Истагим, мана шундай чароғонлик ҳар бир хонадонга нур олиб кирсин.

### УНДА БЕҒУБОРЛИК ЗОҲИР

Телевидение орқали янгиликлар дастури берилаяпти. Қайсидир давлатда ёнғин офати, бошқасида сув тошқини рўй берган. Яна бирида кўпоровчилик содир этилибди. Курбон бўлганлар бор. Кайфиятим тушиб кетди. Тоza ҳаводан нафас олиш учун деразани очиб, пастга қарадим.

Шундоққина кўп қаватли уйлар орасидаги болалар майдончасида бир қизалоқ арғимчоқ учаяпти. Хушчақчақ, шодон. Оламнинг ҳар қандай гаму ташвишидан ҳоли, маза қилиб яйраяпти. Унда беғуборлик зоҳир. Гулгун табассуми, кулиб турган чехрасини кўриб яна кўнглим ёришди. Шундай ажойиб онлар, болажонлар қувончи бизни асло тарқ этмасин.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

## ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

ISSN 2010-5355

ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI  
IIV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MUASSIS:  
ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari Aleksandr VORGUDYAYEV

Mas'ul kotib — Rahmatilla BERDIYEV  
Navbatchi — Azizjon FAYZIYEV  
Sahifalovchi — Zokir BOLTAYEV  
Matn ko'chiruvchi — Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.  
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
innovatsion tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.

«O'zbekiston»  
nashriyot-matbaa ijodiy  
uyi bosmaxonasida  
chop etildi. Korxonaga  
manzili: Alisher Navoiy  
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7523. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 57316 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.